« Бухорогуштсутсавдо » акциядорлик
жамияти рахбариятига

«Бухорогуштсутсавдо» акциядорлик жамиятининг 2019 йиллик бухгалтерия баланси ва молиявий –хужалик фаолияти аудиторлик текшируви натижалари буйича

ИЖОБИЙ

АУДИТОРЛИК ХУЛОСАСИ

Ушбу аудиторлик хулосаси Узбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2007 йилнинг 4 октябрида 351 ракам билан руйхатга олинган ва Узбекистон Республикаси Молия Вазирлиги томонидан 2015 йилнинг 14 августида берилган, Узбекистон Республикаси худудида фаолият курсатаетган барча хужалик субъектларида аудиторлик текшируви утказиш хукукини берувчи 0310 – сонли махсус лицензияга эга булган « PROGRESS – AUDIT » маъсулати чекланган жамияти томонидан тайерланди.

« Бухорогуштсутсавдо » АЖ нинг асосий фаолияти хар хил озик-овкат махсулотлари билан улгуржи ва чакана савдо хисобланади, код ОКЭД: 47290.

Аудиторлик текшируви 2016 йилнинг 11-июнида Узбекистон Республикасида Молия Вазирлиги томонидан берилган 05395-сонли аудиторлик - малака сертификатига эга булган ушбу аудиторлик корхонаси аудитори С.С. Хаитов томонидан утказилди. Ушбу аудиторлик текшируви Узбекистон Республикасида шаклланган. Узбекистон Республикаси Молия вазирининг 2016 йил 9 ноябрдаги 85-сонли Узбекистон Республикаси аудиторлик фаолиятининг миллий стандарти (70 сон АФМС) «Миллий Хисобот тугрисидаги аудиторлик хисоботи ва аудиторлик хулосаси тугрисида»ги буйругига хамда « Халкаро аудит стандартлари» (ХАС) асосида тасдикланган аудиторлик (андоза) стандарт талабларига мувофик ва амалдаги Узбекистон Республикаси конунчилиги талабларига мос келадиган аудиторлик текширувлари утказиш махсус амал ва услубларини куллаш асосида утказилди. Ущбу андозалар биз фойдаланувчиларни молиявий хисобот жиддий бузилишларига эга эмаслигига етарлича ишонч хосил килинишини таъминлашимиз кераклигини такозо этади .

Аудиторлик текшируви куйидаги хисоботлар (форма отчетности) буйича мавжуд аспектларнинг хакикийлиги ва ишончлилигини аниклаш максадида утказилди :

1. Корхонанинг бухгалтерия баланси
2. Молиявий натижалар буйича хисобот

Биз « Бухорогуштсутсавдо» акциядорлик жамиятининг 2019 йил 31 декабр холатидаги бухгалтерия баланси ва молиявий хисоботининг тугрилиги хамда бухгалтерия хисоб - китобларини юритиш тартибининг амалдаги конун хужжатларида белгиланган талабларига мувофиклигини текширдик ва маълумотларнинг махфийлигини таъминладик . Ушбу хисобот ва маълумотларнинг хакикийлиги ва тугрилиги учун корхона рахбарлари жавобгардирлар. Аудиторлик ташкилоти аудиторлик текшируви натижаларига кура, кабул килинган хисоб сиесатининг асосланганлигига ва унинг бухгалтерия

хисоби тугрисидаги конун хужжатлари талабларига мувофиклигига хамда аудиторлик фаолияти тугрисидаги конун хужжатларига мувофик ижобий фикр билдириш учун етарли ва лозим даражадаги далиллар мавжудлигига ишонч хосил килинишига ижобий бахо еки фикр беради. Аудиторлик текшируви хакконийликни , молиявий хисобот хамда молиявий ахборотларнинг конун хужжатларига, шунингдек молиявий хужалик фаолиятининг хакикий холатига мувофиклигини бахолашга асосланди. Аудиторлик текшируви мавжуд хужжатлар, хисоботлар, аналитик кайдномалардаги молиявий курсатгичларини танланма холдаги текширувларини уз ичига олди. Текширув максади бухгалтерия хисоботини юритишда кулланилган иш услуби ва такдим этилган молиявий хисоботга бахо беришдан иборат. Биз томонимиздан утказилган ушбу аудиторлик текшируви корхонанинг молиявий - хужалик фаолиятига тегишли хулоса чикариш учун етарли даражада асос була олади деб хисоблаймиз. Корхонада бухгалтерия хисоб - китобларини юритиш амалдаги тартибнинг конун хужжатларида белгиланган талабларига мос равишда олиб борилган. 2019 йилнинг якуни буйича топширилган хисобот (баланс) ва молиявий натижалар буйича солик тулагунига кадар олинган фойда микдори 4724,8 минг сумни ташкил этган, 2001,6 минг сумлик солик хисобланганидан кейин корхона ихтиерига коладиган соф фойда микдори 2723,2 минг сумни ташкил этган. Хулоса килиб айтганда, бизнинг фикримизча хужалик юритувчи ушбу субъект «Бухорогуштсутсавдо» акциядорлик жамиятининг бухгалтерия хисоб-китобларини юритиш талаб даражасига жавоб беради ва 2019 йил 31 декабр холатидаги молиявий хисоботи унинг молиявий ахволини хакконий акс эттиради хамда мазкур хужалик юритувчи субъект томонидан амалга оширилган молиявий жараенлар (операция) Узбекистон Республикаси конун хужжатлари талабларига жавоб беради.

« PROGRESS - AUDIT » МЧЖ
Директори : С. Хаитов.

21 сентябр 2020 йил